

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№№ 1-2 (10.306-10.307)

2005 ЙИЛ 1 ЯНВАРЬ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ

ХУМ саҳоси
Барча майбалардан
олинган сўнги хабарлар

Азиз ватандошлар!
Она юртимизга Янги - 2005 йил кириб келишига санокли дақиқалар қолди.

Шу файли оқшомда биз барчамиз байрам дастурхони атрофида, оила ва яқинларимиз, ёру дўстларимиз даврасида жам бўлиб, катта ҳаяжон билан курантлар садосини кутар эканмиз, ўтиб бораётган йилни ҳаёлан кузатиб қоламиз.

Аввало, шунга айтиш керакки, биз учун 2004 йил осон кечгани йўқ.

Биз шу йил 29-30 март, 31 июль кунлари таҳликали воқеаларни бошимиздан кечирдик. Мамлакатимиз ҳудудида суқилиб қирган қора кучлар, халқаро терроризм ўзининг манфур баҳарларини яна бир қарра кўрсатди - бегуноҳ кишиларнинг ҳаётига зомин бўлди.

Ўтган йил даврида ўз олдимизга қўйган айрим мўлжал ва режаларимизни рўёбга чиқара олмадик. Иқтисодиётимизнинг муайян соҳа ва тармоқларида ўз ечимини қўтиб турган айрим жиддий муаммолар сақланиб қолмоқда.

Лекин, шуларга қарамай, 2004 йил мамлакатимиз учун омадли, хайр-баракали келганини эътироф этишимиз лозим.

Яқини етаётган йилимиз ҳаётнинг барча соҳаларида биз учун сезиларли даражада юксалиш йили бўлди, давлатимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори янада орди.

Ўртимиз, шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфаси ҳам, бизнинг ўзимиз ҳам, меҳнатда, атрофимизда рўй бераётган барча воқеа-ҳодисаларга муносабатимиз ҳам ўзгариб бормоқда.

Қишлоқ меҳнатқашларининг фидойилиги, қулай об-ҳаво шароити ва сувнинг етарли бўлгани пахта, галла ва бошқа экинлардан мўл ҳосил олиш имконини берди, деҳқонларимизнинг рўзгорига даромад, кут-баракка кирди.

Мамлакатимизда макроиктисодий барқарорлик ва иқтисодиётнинг изчил ўсиш суръатлари таъминланмоқда, янги иншоотлар ва ишлаб чиқариш қувватлари ишга туширилмоқда, ижтимоий тармоқлар жадал ривожланиб, одамларнинг ҳаёт даражаси тобора яхшиланмоқда.

Бу йил аҳолининг реал даромадлари жон бошига ҳисоблаганда 15 фоизга кўпайди, инфляция, яъни нарх-

навонинг ошиши эса кескин пасайиб, унинг ўсиши 3,7 фоиздан ошмади.

Ижтимоий тармоқ ривожидида - таълим ва фан, соғлиқни сақлаш ва маданият соҳаларида ҳам салмоқли ютуқларга эришдик. Нуруний кексаларимиз, давлатнинг ёрдами ва жамият эътиборига муҳтож бўлган барча инсонлар ҳақида ғамхўрлик қилиш масаласи аввалгидек доимо диққатимиз марказида бўлди.

Ўтиб бораётган йилда мамлакатимизда қабул қилинган, 2009 йилгача мўлжалланган янги - Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурини жорий этишга киришдик.

Келажагимиз эгалари бўлган фарзандларимизнинг интеллектуал салоҳияти, билим ва касбий тайёргарлик даражаси юксалиб бормоқда.

Бу эса мамлакатимиз равнақи ва фаровонлигининг, дунё ҳамжамиятидаги обрў ва нуфузининг муштаҳам пойдевори ва гарови бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Спортчиларимизнинг жаҳон ва Олимпиада майдонларида қўлга киритаётган ютуқ ва зафарлари ҳам бизни қувонтирмасдан қолмайди.

Поёнига етаётган йил кўпчилик учун ҳақиқатан ҳам меҳр ва мурувват йили бўлди. Шу муносабат билан қабул қилинган давлат дастури доирасида кўзда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириш учун жами 373 миллиард сўмдан зиёд, жумладан, савоатли тadbиркорлар ва хайрия ташкилотларининг маблағлари сарфланди.

2004 йил мамлакатимизнинг сиёсий ҳаёти ҳам муҳим воқеалар билан алоҳида ажралиб туради.

Бир неча кун аввал Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларга бўлиб ўтган сайловларда халқимиз ўзининг сиёсий етуқлиги ва ижтимоий фаоллиги тобора ўсиб бораётганини намоён этди, демократик янгиликлар ва фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида танлаган йўлимизнинг тўғрилигини яна бир бор тасдиқлади.

Қадрли дўстлар!
Сўнги йиллар мобайнида амалга оширган ишларимиз, мамлакатимизнинг бугунги салоҳияти, 2005 ва кейинги йилларга белгиланган режаларимиз келажакка қатъий ишонч билан қарашга тўла асос беради.
Кириб келаётган янги йил Ўзбеки-

стонда «Сихат-саломатлик йили» деб эълон қилинди. Биз ўз олдимизга қўяётган эзгу мақсад - давлат ва жамиятимиз, жамоат ва тижорат тузилмаларининг, шу муқаддас заминда яшаётган барча инсонларнинг имконият ва салоҳиятини эл-юрт саломатлиги йўлида бирлаштириш ва сафарбар этишдан иборат.

Бизнинг мақсадимиз - фарзандларимизнинг ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом ва баркамол бўлиб вояга етишига, табарруқ қарияларимизнинг умрлари узоқ бўлиши, кўп йиллар давомида соғ-саломат ҳаёт кечиришларига эришиш, бутун Ўзбекистон аҳолисининг тўлақонли, соғлом турмуш тарзи асосида яшashi учун шарт-шароит яратиб беришдир.

Яна бир масала хусусида тўхталиб ўтмоқчиман. Келгуси йилда аҳолининг реал даромадларини, иқтисодиётимизнинг барча соҳаларида меҳнатга тўланадиган иш ҳақи миқдорини, шулар қатарига пенсиялар, нафақалар, стипендияларни, бир сўз билан айтганда, аҳолининг турмуш даражасини оширишнинг асосий манба ва омилларини кўпайтиришга олдинги йилга нисбатан кўпроқ эътибор қаратилади.

Табиийки, биз ўз олдимизга қўяётган ана шу улугвор мақсадларга эришиш учун белимизни қаттиқ боғлаб, сидқидилдан меҳнат қилишимиз даркор. Яна ва яна бир бор таъкидламоқчиман — ҳозирги мураккаб ва таҳликали замонда, Ўзбекистон деб аталган, биз севиб-ардоқлайдиган, ҳаммамиз учун ягона бўлган умумий уйимизда тинчлик, ўзаро хурмат, меҳр-оқибат, миллатлар ва фуқаролараро ҳамжихатлиқни сақлаш учун барчамизга боғлиқ вазифаларни бажаришда ўзимизни аямаслигимиз керак.

Қадрли юртдошларим!
Мана шу унутилмас, ҳаяжонли лаҳзаларда барчангизни бағримга босиб, кириб келаётган Янги йил билан чин қалбимдан муборакбод этишга ижозат бергайсизлар!

Янги йил бутун халқимизга, ҳар бир оилага файзу барака, бахту саодат ва омад келтирсин!
Барча орзу-умидларимиз рўёбга чиқсин!

Юртимизда доимо тинчлик ва осайишталик барқарор бўлсин!
Янги йилгиз кутлуг бўлсин, азиз дўстлар!

Мамлакатимизда

● **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов** номига қатор хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар раҳбарларидан янги, 2005 йил кириб келиши муносабати билан самимий кутловлар келмоқда.

● «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгашининг жорий йилдаги фаолияти яқунлари ва галдаги вазифаларга бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

● Янги йил арафасида Тахиятош шаҳрида «Ёшлар хиёбони» фойдаланишга топширилди. Уни «Тахиятош йўл-кўприк қурилиши» бошқармаси жамоаси бунёд этди.

● Бухоро вилояти, Жондор туманининг Тупрез қишлоғида 2,5 минг ўринли спорт мажмуи барпо этилди. Мазкур иншоот қурилишига «Истиклол» ширкат ҳўжалиги 35 миллион сўм маблағ ажратди.

● Янги йил арафасида Термиз Давлат университети Бойсун туманидаги 12-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига бир миллион 200 минг сўмлик спорт анжонларини совға қилди.

● Мамлакатимизда амалга оширилаётган Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурига мувофиқ Сурхондарё вилоятидаги касб-ҳунар коллежлари сони яна тўрттага кўпайди.

● «Жар» спорт-соғломлаштириш марказида Ўзбекистон футбол федерациясининг ҳисобот сўйлос конференцияси бўлиб ўтди. Унда юртимиз футболда эришилган ютуқ ва мавжуд камчиликлар таҳлил қилинди.

Жаҳонда

● Виктор Ющенко Украина Президентли сифатида ўз режалари ва биринчи навбатда амалга ошириладиган фаолият йўналишларини баён этди.

● Ватикан Ҳинд океанидаги тўфон натижасида жабрланган Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларига ёрдам сифатида олти миллион доллар ажратилиши тўғрисида маълум қилди.

● NASA мутахассислари космик ракеталар учун тақомиллаштирилган ёнилғи бақини ишлаб чиқарилди. Бу АҚШнинг коинотга парвозларни қайтадан бошлашида муҳим қадамдир.

● Вашингтонда бўлиб ўтган аънавий автомобиль шоусида жаҳон мамлакатларида ишлаб чиқарилган энг сўнги русумдаги 700 га яқин автоуловлар намойиш этилди. Масалан, уч миллион долларга баҳоланган «Кадиллак-16» автомобили кўпчилик мутахассисларнинг эътиборини жалб этди.

ПОЙТАХТНИНГ Бир кунли

Янгиликлар, воқеалар

ҚИСКА

● **ЯНГИ** йил байрами муносабати билан кеча Миробод туманидаги мактабгача тарбия муассасалари тарбияланувчиларига «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими томонидан болажонларнинг расми, исм-

шарифи битилган стикерлар тарқатилди.

● **1-ТОШКЕНТ** Давлат тиббиёт институтининг 7- талабалар уйида Янги йил байрами муносабати ҳамда Меҳр ва мурувват йилининг яқунларига бағишланган тадбир ўтказилди.

● **ЯККАСАРОЙ** туманида яшовчи ёлғиз қарияларга «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими ташаббуси билан Янги йил совғалари топширилди.

● **84-МАКТАБДА** Шайхонтохур туман халқ таълими

бўлими, Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг туман бўлими ташаббуси билан 12, 14, 15, 17 ёшли ўқувчилар ўртасида «Умид ниҳоллари» мусобақаларининг баскетбол турнири ўтказилди.

● **21,31-МЕХРИБОНЛИК** уйларида Янги йил байрами муносабати билан тарбияланувчилар хузурига Қорбобо ва Қорқиз таширф бўжурди, болажонларга совғалар тўхфа этилди.

● **52-МАХСУС** мактаб-интернати тарбияланувчилари

1-Тошкент Давлат тиббиёт институти ташаббуси билан талабалар, профессор-ўқитувчилар иштирокида тиббий кўриқдан ўтказилди.

● «ҚАМОЛОТ» ёшлар ижтимоий ҳаракати Юнусобод туман бўлими ташаббуси билан тумандаги имконияти чекланган болажонларга Янги йил совғалари топширилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоларининг сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарор қабул қилинди.

Ушбу қарорга биноан маҳаллий Кенгашларга сайлов бўйича сайлов округларининг тахминан 15 фоизда «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги қонунга мувофиқ такрорий овоз бериш ўтказилади.

Такрорий овоз бериш тегишинча Кенгаш депутатлари сайловини ўтказувчи вилоят, туман ва шаҳар сайлов комиссиялари томонидан ўтказилади.

Шунингдек, қарорда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоларининг сайлови бўйича давлат ҳокимияти вакиллик органларининг қўшма мажлисларини ўтказиш муддатлари, вақти ва жойи белгиланган.

(ЎЗА)

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг

Қ А Р О Р И

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоларининг сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида

2004 йил 26 декабрда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, Ўзбекистон халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов бўлиб ўтди. «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига тўла мувофиқ равишда ошкоралик ва очиқлик руҳида ўтган сайловда 12 миллион 197 мингдан зиёд киши ёки сайловчиларнинг 85,1 фоизи қатнашди. Бунда ҳар бир сайлов округи бўйича битта депутатлик ўринга камида 3 нафар номзод, Андижон, Хоразм вилоятларида ва Тошкент шаҳрида эса 4-5 номзод қўйилган эди.

Депутатликка номзодлари кўрсатилганлар орасида хотин-қизлар 30,1 фоизни ташкил этди.

Овоз бериш натижалари бўйича 946 та сайлов округида ёки округлар умумий сонининг 15 фоизда номзодлардан биронтаси ҳам сайланиш учун зарур бўлган овозлар сонини тўпламади.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоларининг сайлови бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишли қўшма мажлислари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари сайланганидан кейин бир ойдан кечиктирмай ўтказилади.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоларининг сайлови бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишли қўшма мажлислари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари сайланганидан кейин бир ойдан кечиктирмай ўтказилади.

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Қорақалпоғистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, вилоят, туман ва шаҳар сайлов комиссияларига Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар

Кенгашлари депутатлари сайлови бўйича такрорий овоз беришни 2005 йил 9 январда ўтказиш тавсия этилсин.

Белгилаб қўйилсинки, такрорий овоз бериш асосий сайловни ўтказиш учун ташкил этилган сайлов участкаларида сайловчиларнинг ўша рўйхатлари бўйича ва «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига мувофиқ ўтказилиши керак.

2. Янги сайланган Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларининг биринчи ташкилий сессиялари 2005 йил 11-15 январь кунлари ўтказилиши маълумот учун қабул қилинсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоларининг сайлови юзасидан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишли қўшма мажлислари 2005 йил 17-19 январь кунлари ўтказилсин.

Белгилаб қўйилсинки, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоларини сайлаш тартиби тўғрисида»ги Низомга мувофиқ депутатларнинг қўшма мажлиси ишида Марказий сайлов комиссиясининг вакили иштирок этиши шарт.

4. Белгилаб қўйилсинки, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатлари сайлови бўйича такрорий овоз бериш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоларининг сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ тадбирлар оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилиши лозим.

5. Мазкур қарор оммавий ахборот воситаларида эълон қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси
Марказий
сайлов комиссияси Раиси
Б.МУСТАФОЕВ

Тошкент шаҳри,
2004 йил 30 декабрь

ШАҲАР САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

2005 йил 9 январь кунини халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари сайлови бўйича 16 та сайлов округида такрорий овоз бериш ўтказилади.

Кеча Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи шаҳар сайлов комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш юзасидан олиб борилган ишлар сарҳисоб қилинди, шунингдек сайлов кампанияси асосий бошқичининг 60 та сайлов округлари бўйича тегишли якунлари чиқарилди.

Шаҳар сайлов комиссияси томонидан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига 316 нафар номзод рўйхатга олинган бўлиб, шундан «Адолат» СДПдан — 50 нафар, «Миллий тикланиш» ДП ва «Фидокорлар» МДПдан — 55 нафардан, ЎзЛиДеП ва ХДПдан — 60 нафардан, ўзини ўзи бошқариш органларидан — 31 нафар ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан — 5 нафар номзод кўрсатилган. Бешта сиёсий партиялар томонидан тавсия этилган номзодларнинг 30-35 фоизини аёллар ташкил қилди. Сайлов бюллетенларига 278 нафар номзоднинг исми киритилди ва ўрта ҳисобда ҳар бир округ бўйича 4-6 тадан номзод қайд этилди.

Сайлов кунини овоз беришда 1.004.196 нафар сайловчилар қатнашди, бу эса пойтахт электоратининг 81 фоизини ташкил қилди. Энг кўп сайловчилар сони Юнусобод (145.888), Мирзо Улуғбек (127.181), Собир Раҳимов (119.603), Акмал Икромов (102.959) ва Ҳамза (100.954) туманларига тўғри келади.

Шаҳар сайлов комиссияси округ сайлов комиссияларининг участкалар кесимида тақдим этган баённомаларини таҳлил қилиб, 16 та сайлов округи бўйича бирон-бир номзод сайловчиларнинг 50 фоиздан кўп овозини тўплай ололмаганини аниқлади. Шундан келиб чиққан ҳолда «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ шаҳар сайлов комиссияси ушбу сайлов округлари бўйича асосий сайловларда энг кўп овоз олган икки номзод бўйича такрорий овоз беришни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди (такрорий овоз бериладиган округлар рўйхати қуйида келтирилади).

Мазкур Қонуннинг 42-моддасига асосан такрорий овоз бериш асосий сайловни ўтказиш учун ташкил этилган сайлов участкаларида ҳамда қайд этилган сайловчиларнинг сони ҳисобидан ўтказилади.

Йиғилишда шунингдек, 2005 йил 9 январда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари сайлови бўйича такрорий овоз беришга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш юзасидан тегишли мажмуавий тадбирлар режиси тасдиқланди.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, юқорида қайд этилган Қонунга асосан такрорий овоз бериш жараёнида иштирок этган сайловчиларнинг овозини бошқа номзодга нисбатан кўпроқ олган номзод, яъни уни ёқлаб берилган овозлар сони унга қарши берилган овозлар сонидан кўп бўлган бўлса, сайланган деб ҳисобланади.

Эслатиб ўтамиз, 2005 йил 9 январь кунини пойтахтимизда шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайлови бўйича олти та сайлов округида ҳам такрорий овоз бериш ўтказилади.

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА.

2005 йил 9 январь кунини халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари сайлови бўйича такрорий овоз бериш ўтказилган сайлов округлари

Р Ў Й Х А Т И

АКМАЛ ИКРОМОВ ТУМАНИ

- 1-Ойбек сайлов округи
- 2-Абдулла Қолирий сайлов округи
- 3-Зиё Саид сайлов округи
- 6-Чўпонота сайлов округи
- МИРОБОД ТУМАНИ
- 19-А.Фитрат сайлов округи
- СОБИР РАҲИМОВ ТУМАНИ
- 21-Қорасарой сайлов округи
- 23-Тансиқбоев сайлов округи
- СЕРГЕЛИ ТУМАНИ
- 27-Дўстлик сайлов округи
- 30-Чоштепа сайлов округи
- ЧИЛОНЗОР ТУМАНИ
- 38-Олмazor сайлов округи
- 39-Қозиробод сайлов округи
- 42-Мевазор сайлов округи
- ШАЙҲОНТОҲУР ТУМАНИ
- 46-Каттабоғ сайлов округи
- 48-Тинчлик сайлов округи
- 49-Жарариқ сайлов округи
- ЮНУСОБОД ТУМАНИ
- 53-Туркистон сайлов округи

«ТАШАББУС» ҚУЛОЧ ЁЗДИ

Хар йили мамлакатимизда тадбиркор, хунарманд ва фермерлар ўртасида Президент саврини учун ўтказиладиган «Ташаббус» кўрик-танлови кенг қулоч ёзиб, қанотига ўз голибларини олади. Уларнинг доврuginи оламаг ёйиб, келгуси муваффақиятларига замин ҳозирлайди. Якунланган йил кутлуг келган, Янги йилдан эзгуликлар кутаётган пойтхтимизнинг «Ташаббус — 2004» танлови голиблари ҳам шодиёна арафасида кўнгил изхорларини баён этишди.

● **Убайдулла ҚОСИМОВ, «Ташаббус—2004» кўрик-танлови пойтхт босқичи голиби, республика босқичининг 2-ўрин соҳиби, «Энг яхши хунарманд»:**

— Халқимизнинг «Хунар—хунардан бахтинг унар», деган доно нақлига ўз меҳнат фаолиятим давомида, айниқса, Мустақил йилларида яқол гувоҳ бўлдим. Президентимизнинг хунарманд усталарга кўрсатган қатта эътибор ва ғамхўрликларидан самарали фойдаланган ҳолда ота-боболаримиз хунари бўлган сандиксозликни санъат даражасига кўтаришга ҳаракат қилдим. Шунинг баробарида ўзбек халқ маданияти нақадар бой ва гўзаллигини, хунармандларимиз бетакор санъат асарлари ярата олишини жаҳоннинг кўпلىк мамлакатларида намойиш этиш бахтига муяссар бўлдим. Айниқса, Германия, Франция, Венгрия, Австрия, Голландия, Япония, Хиндистон, Бирлашган Араб Амириклари ҳамда Хамдўстлик давлатларида ўтказилган халқаро кўргазмаларда мустақил олимиз хунармандлари маҳоратларини оқишларга сазовор этганимизни фахрлилик айта оламан.

2004 йил мен учун муваффақиятлар йили бўлди. Меҳнатларим самараси, айниқса аънанавий «Ташаббус-2004» кўрик-танловида юксак баҳо олиб пойтхт босқичида «Энг яхши хунарманд», республика босқичида эса фахрли иккинчи ўрин соҳиби бўлдим.

Кириб келган Янги йилни эзгу ниётлар билан бошлаб, келгусида миллий хунармандчиликнинг сандиксозлик ва миниатюра соҳасида бетакор асарлар яратишга ҳаракат қиламан. Моҳир шоғирдларим билан ҳамкорликда изланиб, мустақил юртимиз доврuginи бундан-да юксакларга кўтаришни ўз бурчим деб биламан. Янги йил ҳаммамиз учун муваффақиятлар, орзулар амалга ошадиган фаровонлик йили бўлсин.

● **Абдугани ҚОСИМОВ, «Этикод» хусусий фирмаси раҳбари, «Энг яхши тадбиркор»:**

— Ўтган йилни эзгу ниётлар билан бошлаган эдик, яхши ниёт ярим давлат экан, мақсадларимиз амалга ошди. Янги ишлаб чиқариш цехи ташкил этиб, уни Италиядан келтирилган дастхўрлар билан жиҳозладик. Бу нафрат маҳсулотларимиз тури, балки сифатининг ҳам орттишига сабаб бўлди. Мамлака-

тимиздаги, хориждаги ярмарка ва кўргазмаларда фаол иштирок этиб, харидорларимиз сафини кенгайтирдик. Ҳозирда қўшни давлатлардан ҳам мебель маҳсулотларимизга харидорлар бор, экспортни йилга кўйиш тараддудидамиз.

Харидорларимизга қулайлик яратиш мақсадида кўргазмалар залини ишга туширдик ва бу ердан моҳир дизайнларимиз яратган илк маҳсулот намуналари ўрин олади. Шунингдек 3 қаватли мебельлар салонини ишга тушириш арафасидамиз.

Ривожланиб борганимиз сари, ишлаб чиқариш ҳажми ортгани боис қўшимча ишчи ўринлари яратдик, моҳир мебелсозларимиз шоғирдлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратишди. Мақтанишга йўймангу мебелларимиз Италияниқидан асло қолшмайди, Малайзия маҳсулотлари билан бемалол рақобатлашгани ҳолда бир неча бор арзонлиги билан ажралай туради. Хондонларга, офис ва идораларга маҳсулотларимиз билан файз киритар эканмиз, Янги йилда ҳар бир харидоримизнинг ишончини қозонишга, уларга сифат қафолати беришга муваффақ бўламиз. Шунинг баробарида маҳсулотларимизнинг ҳар бир хонадонга кириб боришини истаймиз, экспортга ҳам эътибор қаратамиз. Хуллас, Янги йил ниётлари бисёр, зеро ҳаракатимиз ҳам ана шунга яраша бўлади. 2005 йил барчага кутлуг келсин, тадбиркорларимиз сафи кўпайиб, уларнинг дилидаги ташаббус, янгиликка интилиш асло сўнмасин.

Юртимизда якунланган йилда яхши натижаларни қўлга киритган, ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириб, экспорт миқдорини оширган ва жаҳон бозорини «Ўзбекистонда тайёрланган» ёрликли маҳсулотлар билан бойитган корхоналар сони ортди.

Ўзбекистонда тайёрланган

ЭКСПОРТ ҲАЖМИ ОРТАДИ

Шундай корхоналардан бири кўпчилик дидига мос, жаҳон андозалари даражасидаги мавсумбоп қишки кийим-бошлар ишлаб чиқараётган «Иготекс» масъулияти чекланган жамиятидир. Ўтган 2004 йилнинг сарҳисоби ҳамда кириб келган янги 2005 йилда корхона режалари билан яқиндан таниниш мақсадида ушбу корхона раҳбарини суҳбатга тортдик.

— Албатта, тадбиркорликнинг ўзига яраша қийинчиликлари бор, — дейди жумладан жамоа раҳбари Шавкат Жалилов. — Ишлаб чиқаришни йўлга қўйганимизда бирмунча муаммоларга дуч келдик. Аммо интилсанг, ҳаракат қилсанг меҳнатинг самараси беиз кетмайди. Мана икки йилдирки жамоамиз ишлари яхшиланиб бормоқда.

Ҳозирда корхонада 60 хилдан ортиқ эркаклар, аёллар ва болалар устки кийим-бошлари ишлаб чиқаришмоқда. Маҳаллий хом ашёдан тайёр маҳсулот ҳолигача бўлган жараёнда жамоа ходимларининг ишлари бир-биридан фарқ қилади. Бунда эса корхона ходимларига замонавий технологиялар қўл келади. Айни пайтда жамоа Япониянинг «Brother» фирмасидан келтирилган тўқув машиналари ёрдамида ишлайди. Бундан ташқари корхонада «Текстим», «Агат» номдаги Германия технологиялари ҳам ўрнатилган.

Асосан маҳсулот учун зарур хом ашё Зарафшондаги «Агама» фирмасидан, «Спарта-сервис» масъулияти чекланган жамиятидан ҳамда Белоруссиянинг «Полеся» йитирув фабрикасида сотиб олинади.

Ушбу корхона 2004 йилда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги қошидаги ўқув таълим таъминот бош бошқармасининг 80 миллион сўмлик шартномасини бажаришга муваффақ бўлди.

— Мавсумбоп кийимларни ҳозирда талабга қараб турларини ошириб бораёямиз, — дейди жамоа раҳбари. — Мазлумки, айни пайтда ички бозорларимизда қишки

кийимларга талаб юқори. Шунга қўра корхонамизда 12 турдаги болалар кийимлари ҳамда 22 турдаги қатта ёшлагилар учун устки кийимлар ишлаб чиқармоқдамиз. Рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак корхонанинг йиллик маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 140 миллион сўмни ташкил қилади.

Ички бозоримизни мавсумбоп кийимлар билан тўлдирган «Иготекс» жамоаси четта ҳам маҳсулот экспорт қилишни йўлга қўйди. Дастлаб, корхона Қозғистон билан тузилган 12 минг АҚШ доллари миқдоридagi шартномани аъло даражада ундаб, қозғистонлик миқдорнинг ишончини оқлади. Айни пайтда эса корхона Россия давлатига 20 минг АҚШ доллари миқдорида маҳсулот ишлаб чиқариш билан банд.

Юқоридагилар биргина «Иготекс» корхонасининг кечагина якунланган йилда қўлга киритган натижалари бўлса, Янги йилдан эса жамоа юксак режалар устида ишлашга бел болаган. «Ўзбекистонда тайёрланган» ёрликлидаги маҳсулотларни жаҳон бозорларида ўз ўрнига эга бўлиши уларнинг сайё-ҳаракатларига боғлиқ.

Орузгул РУСТАМОВА

СУРАТДА: корхона фаолиятдан лавҳа.

Ҳакимжон Соляҳов олган сурат.

Қўйловлар

● **Феруз НАЗИРОВ, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазир:**

— Азиз юртдошлар! Сизларни Янги — 2005 йил билан чин юракдан муборакбод этаман. Сихат-саломатлик йили сизларга соғлиқ, тинчлик, тўқинлик, бахт ва иқбол, омад ва фаровонлик бахш этишини тилаб қоламан.

2005 йил сизлар учун омадли ва қувончли кечсин. Ишингизда унум, рўзгорингизда кут-барака, кўнлингизда, қалбингизда ҳаммаишга насиб этсин.

Фурсатдан фойдаланиб, республикамиз барча тиббиёт ходимлари ва шихасан ў. номимдан «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарининг ижодий ходимларига парвозлар тилаб қоламан.

● **Комилжон ЮСУПОВ, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирининг спорт ишлари бўйича ўринбосари:**

— Азиз дўстлар, ҳурматли ҳамшаҳарлар! Барчангизни кириб келган кутлуг Янги йил билан самимий табриклайман! Ҳар бир хонадонга аввало соғлиқ, тинчлик, бахт ва омад тилайман.

2004 йил ҳаммамиз учун хайрли ва шарафли ўтди. Спорт соҳасида ҳам халқимизнинг гурурини кўтарадиган, қалбимизга ифтихор бағишлайдиган ютуқларга эришдик. Рустам Қосимжоновнинг шихат бўйича жаҳон чемпиони бўлиши, Афинада ўтказилган Олимпиада ўйинларида спортчиларимиз 2 та олтин, 1 та қумуш, 2 та бронза медалларини қўлга кириштиб, 202 та мамлакат орасида 34 ўринни эгаллашти, курашимизнинг иккинчи қаноти, белбоғли кураш бўйича тарихий 1-жаҳон чемпионатининг ўтказилиши дунё цивилизациясида ўзбекнинг ўз ўрни борлигини кўрсатди. Фурсатдан фойдаланиб Ватанимиз шухратига шухрат қўшаётган барча спортчиларга Янги йилда янги зафарлар ёр бўлишини тилайман.

Шунингдек, «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари ижодий жамоасига омадлар йўлдош бўлсин.

Илоҳим, юртимиз тинч, дастурхонимиз тўқин, ёшу кексаларимиз ҳаммаиш соғ бўлишини. Янги йилнинг муборак бўлсин!

● **Рихси ИБРОҲИМОВА, Ўзбекистон халқ артисти:**

— Азизлар, барча-барчангизни Сихат-саломатлик йили билан табриклайман. Кириб келган Янги йил кутлуг бўлсин Меҳру муҳаббат, муруват, асосийси одамлиликнинг энг гўзал эзгу хислатлари, бизни тарқ этмасин. Бир-биримизни ардоқлаб, эъзозлаб, севиб, севилиб яшайлик. Ёшларимиз илмли, ғайратли, шижоатли, кексаларимиз имон-этикодли бўлишсин. Сахий куёшимиз бошимиз узра нур сочиб турсину, нурафшон осмонимиз тоабда ҳаммамизга соғлиқ, тинчлик бахт ато этсин.»

● **Хуршид ДАВРОН, «Ёшлар» телеканали директори:**

— 2005 йилнинг Сихат-саломатлик йили деб эълон қилинишининг ўзи унинг қадими кутлуг келаётганидан далолат бериб турибди.

2004 йил ҳам ҳар биримизнинг қалбимизда ўзгача из қолдирди. Азалдан хайрусаховатни биринчи ўринга қўядиган халқимиз кўплаб хайрли ишларни амалга оширди.

Ҳар бир ўтаётган дақиқамиз биз учун қадридир. Шунинг учун келинлар Янги йилда бир-биримизни эъзозлаб кутлайлик. Илоҳим 2005 йилнинг мазмунли ўтсин. Ҳар бир хонадонда соғлиқ ва тинчлик ҳукмронлик қилсин.

Ҳаммаларингизни Янги — 2005 йил билан табриклайман. Кириб келган йилнинг баркамол бўлсин. Оналаримиз, оталаримиз соғ бўлишсин. Оиламиз қувончи болаларимиз ҳам, ақлли зукко, доно, асосийси соғлом бўлиб униб-ўсишаверсин. «Тошкент оқшоми» газетаси янада янги-янги руқнларни кашф этиб элнинг севилими газетасига айланиб бораверсин. Муштарийлар бу газетани ишлаб соғиниб ўқишин.

Гулчеҳра ДҮРДИЕВА ёзиб олди.

«Шарқ гули»

масъулияти чекланган жамияти жамоаси

ҳамшаҳарларимиз, бутун меҳнат
аҳли, назокату нафосат соҳибалари
бўлавиш аёлларимизни

янги — 2005 йил билан

чин юракдан
табриклайди.

Сиҳат-саломатлик йилида
бунёдкор халқимизнинг
хаёти янада фаровонлашиб,
барчамизнинг қалбларимиз
мунаввар, саломатлигимиз
зиёда бўлсин.

Янги йилнингиз муборак
бўлсин, азизлар!



Янги йилга — йигирма биринчи асримизнинг бешинчи йилига кадам қўймоқдамиз. Мана шундай қувончли дақиқаларда босиб ўтилган йилни, яъни 2004 йилни беихтиёр кўз ўнгингдан яна бир қарра ўтказиб, кўп яхшиликларга гувоҳ бўлганлигингдан фахру ифтихор туйғуларига тўласан киши.

Йил — уч юз олтимиш беш кундан иборат ажойиб рангин гулдастаким, у фақатгина ўзига хослиги билан ҳам бетакрордир. Ёки ҳар бир йилни уч юз олтимиш беш олтин зиналардан уюшган бир улғувор юксалиш воситаси дейиш мумкин, у инсонни камолот чўкқиларига элтади. Гарчанд йил тарихан қисқа бир муддат бўлса-да, унинг мағзи-мағзида катта моддий ва маънавий қудратлар муржаб. Ҳар бир ўтган йилимизнинг, жумладан 2004 йилнинг ҳам маъноси ниҳоятда теран, унинг илдизлари ниҳоятда чуқур, уфқлари бениҳоя кенг бўлди. Бу йилларимиз сарнамасида буюк Истиқлолимиз худди Ҳумо қушдай улғувор қанот ёзиб туради. Бу йилни Меҳру мурувват йили деб атадик.

Ва бу жуда кўнглидагидек иш бўлди. Меҳру мурувват ёғдуси ҳаётимизни янада мунаввар этди. Халқимизга-хос бу ажойиб аъна ва фазилатлар янгича маъно мазмунлар билан ҳаётимизда барқарор ўрин тутди. Инсон қадр қиммати, оқибат ва шафқат туйғулари кенг қулоч ёйди.

Янги — 2005 йилимиз эса Президентимиз томонидан Сиҳат-саломатлик йили деб эълон қилинди. Гоят юксак инсонпарварлик руҳи билан сугорилган ушбу ҳаётий тадбир марказида ҳам Инсон тақдирининг камоли, узок ва бахтли умр қўриши учун амалга оширилган дастурлар мажмуаси туради. «Она ва бола йили», «Соғлом авлод йили», «Меҳр ва мурувват йили» каби олдинги йилларда бўлган барча яхши тадбирий фаолиятларнинг мантаний давоми бўлган бу йилимиз ҳам халқимизга кўп яхшиликлар келтириши табиий.

Кундалик ҳаётимизга оид яна бир кўркем мисол: пойтахтимиз — Гўзал-Тошкентимиз қиёфасида қандай муҳташам ўзгариш содир бўлса, у дарҳол республика бўйлаб ҳам кенг таралади. Бу ҳозирги давр тараққиётимизнинг гоят одилона қонунига айланади. Мамлакатимизнинг барча шаҳарлари — Қаршию Термиз, Бухорою Самарқанд, Жиззаху Гулистон, Урганчу

Нукус, Навоюю Наманган, Фарғонаю Андижон ҳам худди Тошкентдагидай кўрки салобатга чулғаниб боради.

Ўтаётган йилимиз оламига назар ташласам, Наврўз байрамнинг бутун жилваси, Мустақиллигимизнинг 13 йиллигига бағишланган улғу байрам салобатини яна бир қарра яққол ҳис этаман. Бу бай-

ларни давом эттиришлари аниқ. Лекин бугунги кунни айнан такрорлаш асло мумкин эмас. Чунки ҳар бир куннинг ўз ранги, ўз оҳанги, ўз ҳаракати, ўз қиёфаси бўлади. Бошқа кунлардан фарқи ҳам бўлади. Чунки унда фақатгина ўзига хос бўлган муаммолари, композицияси, тартиб-интизом чизилари бор. Ҳаётимизнинг барча соҳаларида бўлганидек, адабиёт ва санъат оламида ҳам кўзга қўринарли ишлар қилинди.

Насру назмга оид кўп муҳокамалар, янги китоблар тақдироти, янги спектакль ва кинофильмлар намойиши ўтказилди. Омон Мухтор ва Абдували Қутбиддиннинг ихчам, долзарб, бадий бақувват дostonлари кўпчиликнинг эътиборини тортиди. Умуман олганда, ижодий ҳаёт қайнаб турди. Бу жарёнлар адабиёт ва санъатимиз доимий изланишда эканлигини кўрсатади. Адабиёт — оқар дарё. У — халқ ҳаётининг томир уриши, юрак зарби, ўтли нафаси. У — ранг-баранг истеъодлар ижодидан дунёга келади. У — ҳиссиёт, тафаккур меваси, эрқу Истиқлол шайдоси, ҳақиқатнинг бадий иньикоси. Албатта, халқимизнинг бадий сўзга талаб ва эҳтиёжи катта. Бизга турли-туман истеъдод эгалари керак. Гўзал, нозик туйғулар таронаси ҳам, ўйчан, дилбар лирика ҳам, жўшқин, инсонни, ёрни, диёрни улғувовчи шеърят ҳам, ҳақиқат учқунлари сачраб турган кескин шеърлар ҳам, тафаккур ва зако ҳосиласи бўлмиш дурдоналар — ҳамма-ҳаммаси керак.

Буюк давр, буюк мақсад — буюк асарларни қўтиши муқаррар. Бу ишни кимдир келиб бизга қилиб бермайди. Бу вазифани бажара оладиган истеъодлар орамизда бор.

Янги йил — Истиқлолимизнинг 14 йиллиги кенг нишонланган йил. Истиқлол шеърятимиз учун ҳам катта уфқлар очиб беражак. Шўро давридаги ўта гоёяйликнинг темир занжир сиртмоқларидан, метин қопиллари ва қаттиқ назоратидан қутулган шеърят эркин руҳ инсон қалбининг гўзал манзараларини ифода этувчи чинакам санъат намуналарини яратишига имонимиз комил. Адабиётимизга янги номлар, янги талқинлар, янги кашфиётлар кириб келиши муқаррар.

Янги йилимиз шу муқаддас орзуларимиз ушлаётган муҳим мунаввар бир босқич бўлажак.

Дилдаш ганилар

МУНАВВАР МАНЗИЛ

Жуманиёз ЖАББОРОВ,
Ўзбекистон халқ шоири

рамлар — фақатгина улғувор томонларгина эмас, балки халқимиз қалбининг, Истиқлол оғушида яшанаб-яйраётган инсон кўнгли қувончининг намойишларига айланди. Гарчанд бу байрамлар аънавий тусда ҳар йилда ўтса ҳам — ҳар бирининг ўз завқи, таровати, мислсиз ҳаётий маъноси бор. Уларнинг ҳар бири абадийликка муҳрланиб қолажак халқ байрамларидир.

Ҳа, бу йилимизда ҳам қанча равон йўллар қурилди, қанча кўприклар, олий иншоотлар бунёд этилди, буларни санаб чиқишнинг ўзи ҳам амри маҳол.

Инсоний баркамоллик ва фаровонлик туйғуси ҳар бир ишимизда акс этиб турди, ҳар бир отган янги тонг инсон учун тамомила янги кун ҳамдир. Чунки у умримизда биргина марта кўриниш беради. Масалан, йилимизнинг исталган бир кунини олиб қарайлик. У ички мазмуни, бажарилган ишлари ва ўзига хослиги билан бошқа кунларга ўхшамайди. Гарчанд ташқи кўринишда кунлар бир-бирларига ўхшасалар-да, аслида — Янги кун! Ҳар бир янги кун учун шўрқ айтиб яшамоқ, уни чиройли маъно мазмунларга тўлдириб яшамоқ — катта бахт. Токим ҳар бир янги кун меҳру муҳаббат, гўзаллик, бахт маскани, саодат фурсати, юксалиш тимсоли бўлсин биз учун. Бугун кўча, майдон, ихсонлар, уй-жойларни тўлдириб, ҳаракатда бўлган, умргузаронлик қилаётган, меҳнат ва роҳат оғушида яшаётган одамларнинг эртага ҳам шу иш-



O'zbekiston Respublikasi IIV YHXBB jurnali

АВТОНАМРОН

*Қадри ҳатшаҳарлар!
"Автоҳамроҳ" журналининг азиз муҳлислари!*

**Сизни мамлакатимиз тарихида
Сихат-саломатлик йили номи билан алоҳида
из қолдиргувчи ва минг-минглаб оилаларга
қувончу шодликлар бағишловчи**

Янги-2005 йил

билан самимий муборакбод этамиз.

*Келайтир ай аллани ёшлар каби ҳар бирингизга
бахтийи оилар, соодатли кўнларни бахшида элиб
осмавий бахти, шодликлар, тўғилмадан
соғлиқ-саломатлик ҳалиша ҳам
роҳатинг бўлиб, хоҳадотингизга
файз, дастурхонингизга
тўғил-соғлиқ ва
баракотлар
ола келсин.*



**Сизга чексиз
эҳтиромлар ила,
"Автоҳамроҳ"
журналининг ижодий
жамоаси**

ТОШКЕНТ ШАҲАР КАСАБА УЮШМАЛАРИ КЕНГАШИ

республикамиз пойтахти аҳли,
барча меҳнаткашларни

Янги - 2005 йил
билан самимий табриклайди!

Янги йил юртимизга файзу-барака,
тўкин-сочинлик келтирсин,
хонадонларимиздан азиз меҳмонларнинг
қадами аримасин, ҳар бир инсон
ўз меҳнатининг роҳатини кўрсин.

Қалбингиз эзгу тилакларга тўлиқ,
дилингизда шодлигу қувонч мужассам бўлсин!

Байрам дастурхонига

ФАЙЗ БАҒИШЛАШ НИЯТИДА

Қалбларимизга сурур бағишловчи Янги йил шодиёнасини барчамиз хуш кайфият билан тўкин дастурхон атрофида, оила аъзоларимиз ва яқинларимиз даврасида нишонлаймиз. Албатта, байрамона файзли дастурхоннинг чиройли ва хилма-хил ноз-неъматларга бой бўлишини ҳар бир хонадон соҳиби истайди. Ана шундай байрам кайфияти билан елиб-югураётган ҳамшаҳарларимиз дастурхонига файз киритишда пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган корхоналар ҳам ўз улушини қўшишга ҳаракат қилишди.

● «ШОДЛИК» қандолатчилик корхонаси жамоаси Янги йил дастурхонини тўкин қилиш йўлида бор маҳоратларини ишга солишди. Уста қандолатпазларнинг изланишлари эвазига маҳаллий хом ашёдан тайёрланаётган мазали торт ва қандолат маҳсулотларининг харидоригир турлари яратилди. Нафақат уларнинг кўркэм қадокланишига, балки сифатига ҳам алоҳида эътибор қаратишди. «Шодлик» маҳсулотлари корхонанинг фирма дўкони ҳамда пойтахтимиздаги 100 дан зиёд савдо шохобчалари орқали сотилиб, ҳамшаҳарларимизга байрам шодлигини улашиши, шубҳасиз.

● Нон — дастурхонимиз кўрки, тўкин ҳаётимиз рамзи, дея бежиз таъкидламаймиз. Бу борада муҳир новвойларимизнинг меҳнатлари таҳсинга лойиқ. Янги йилни ўзига хос меҳнат ютуқлари билан қарши олаётган «САҒБОН-НОН» акциядорлик жамияти ишчи-хизматчилари ҳам ҳамшаҳарларимиз дастурхонига байрам қуллари 40 дан орტიқ турдаги нон ва нон маҳсулотлари, 10 турдаги ширинликлар етказиб беришди. Ушбу маҳсулотлар пойтахтимиздаги савдо шохобчаларида, шу билан биргаликда корхона-

нинг шаҳримиз туманларида жорий йилда иш бошлаган шинам ва замонавий фирма дўконларида сотилади. Новвой ва қандолатпазлар байрам маҳсулотларини алоҳида маҳорат ва меҳр билан тайёрлашмоқда.

● «ЁШ ФУТБОЛЧИ» хусусий фирмасининг иш бошлаганига кўп вақт бўлмасда, бу ерда ишлаб чиқарилаётган сифатли ва рақобатбардош ширинликлар нафақат пойтахтимизда, балки мамлакатимиз вилоятларида ҳам ўз харидорини топмоқда. Корхонанинг 20 нафардан зиёд қандолатпазлари томонидан замонавий технология ва юксак унумли хорижий дастгоҳлар асосида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг таъми оғизда қолади. Енгоқли вафли, «Юбилей» печенье-сингари шоколадлар, «Барбарис», «Гусиная лапа» сингари карамеллар Янги йил дастурхонига тортиқ этиляпти. Шунингдек, тadbиркорлар Меҳр ва мурувват йили якунида Собир Раҳимов туманидаги меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларига байрам совғалари улашгани нур устига аъло нур бўлди.

● Хусусий тadbиркор «ЦИМБА-

ЛОВ С.И.» нинг «Монарх» савдо маркази остида тайёрланаётган кетчуп ва майонезлари ҳам ҳамшаҳарларимиз — хонадон бекаларининг байрам таомлари тайёрлашларида ниҳоятда қўл келиши, шубҳасиз. Ана шунини назарда тутган хусусий тadbиркор юксак сифатли экологик тоза хом ашёлардан 10 турдаги кетчуп ва дид билан қадокланган майонез маҳсулотларини ишлаб чиқармоқда. Шуниси қувонарлики, сифатга қаратилган эътибор боис ҳам корхонада тайёрланаётган барча турдаги маҳсулотлар миллий тизим сертификатлари талаблари асосида сертификатланган. Харидор диди ва эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда ушбу маҳсулотлар турли ҳажмдаги бежирим идишларга қадокланмоқда. Улардан фойдаланган уй бекаларининг Янги йил таомлари, албатта барчага ёқади.

● Шарбат ҳамда салқин ичимликлар ҳам дастурхонингизга ўзгача файзидир. Айниқса, табиий шарбатнинг қиш кунларида жонга роҳатлигини, саломатлик гарови бўлишини кўпчилигимиз яқши биламиз. Кириб келаётган Сихат-саломатлик йилида ана шундай шарбатлар турларини кўпайтиришга, қадокланишига эътибор қаратишга аҳд қилган «НАН BIO TESH» масъулияти чекланган жамияти тadbиркорлари ҳам ўзларининг анор мевасидан тайёрланган шарбатларини ҳамшаҳарларимизга байрам совғаси деб билмоқда. Шарбатнинг қадокланишидан хурсанд бўлсангиз, уни ичиб эса нафақат дилнингиз, балки танангиз яйрайди.

● Шунингдек, «Тегин», «Зебини-со-она», «GREEN WORLD», «NEMA», «TUFIN», «ANAT» ва бошқа жуда кўп қабл корхоналарнинг тadbиркорлари ҳам ўз маҳсулотлари дастурхонингизга кўркэм бағишлаши ниятида меҳнат қилишган.

Тadbирлар

ҚУВОНЧ БАХШ ЭТДИ

Ҳар байрам арафасида Тошкент шаҳар ўзаро ижтимоий ёрдам «Меҳрибонлик» жамияти ташаббуси билан меҳрга, саховатга ташна инсонлар учун хайрия тadbирини уюштириш, байрам дастурхони тузаб, улар кўнглини шод этиш анъанасига айланган.

Янги йил эшик қоқайтган айни кунларда ҳам ушбу анъана бузилмади. Юнусобод тумани ҳудудидаги «Шаҳристон» қаҳвахонасига йиғилган «Меҳрибонлик» жамияти аъзолари кириб келаётган 2005 — Сихат-саломатлик йилини эзгу ниятлар, орзулар билан қарши олиш мақсадида байрам дастурхони олдига жамул-жам бўлдилар.

— Саломатлик — туман бойлик, деган ҳикматга ҳар биримиз амал қилмоғимиз даркор. — дейди биз билан суҳбатда Тошкент шаҳар ўзаро ижтимоий ёрдам «Меҳрибонлик» жамияти раиси Ҳабибулла Жалилов, — кириб келаётган Янги йил барча инсонларга, хусусан меҳрга ташна жамиятимиз аъзоларига омад келтирсин. Ниятимиз ҳеч ким касал бўлмасин. 2004 йилда амалга ошмай қолган режаларимиз Янги йилда албатта ечимини топсин. Ана шу мақсадда ҳам бүгун жамиятимиз аъзоларини тўпладик.

Шунини таъкидлаш жоизки, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Тошкент шаҳар савдо департаменти, Юнусобод туман ҳокимлиги, туман маданият бўлими ҳамда «Шаҳристон» қаҳвахонаси раҳбарияти ҳамкорликларида ташкил этилган ушбу кеңашда шаҳримизнинг ҳар бир туманида истиқомат қилаётган ўзаро ижтимоий ёрдам «Меҳрибонлик» жамияти аъзолари иштирок этишди. Кечанинг файзли ўтишида Юнусобод туман маданият бўлимининг ҳиссаси катта бўлди. Чунки туман маданият уйларида келган хонадалар ижросида янраган дилрабо куй-қўшиқлар тadbирга ўзгача шукўқ бағишладилар.

Тadbир давомида Султоной Ибодова, Сергей Кузнецов, Фаина Батилова, Борис Кирсановларга ногиронлик аравачалари тўхфа этилди.

Хуллас шу кунчи ҳар бир инсон дилдан қувнаб, уйига шодон кайфиятда қайтди.

Акбар ЙҮЛДОШЕВ

«ТОШШАҲАР ЙЎЛОВЧИ ТРАНС»

АКЦИЯ ДОРЛИК КОМПАНИЯСИ



Барча ҳамшаҳарларимиз
ва пойтахтимиз
меҳмонларини

Янги — 2005

Йил билан

эти эзгу тилаклар ва мамнунияти
ила мувофаққод этади!

Сиҳат-саломатлик йилида
барчангизга соғлик, омонлик,
юрт равнақи йўлидаги
меҳнатингизда муваффақият-
лар ёр бўлишига тилакдошимиз.

Янги йил оилангизга бахт-
саодат, тинчлик-тотувлик,
қувонч, омад олиб келсин ва
кўнглингизга тугиб кўйган
барча орзу-умидларингиз, эзгу
ниятларингиз амалга ошеин!

Йўлларингиз раво,
дилларингиз шодон бўлсин!



Ўзбекистон Республикаси Бағиий академияси тасарруфигаги Асадулла Хўжаев номидаги Дизайн коллежи жамоаси мамлакатимизнинг барча фуқаролари ва азиз меҳмонларини



яни 2005 — Сихат-саломатлик йили билан
самимий муборакбод этади.

Барчангизга бахт-саодат,
сихат-саломатлик, оилангизга
тотувлик, хотиржамлик,
файзу барака, зафарлар тилайди.



Янги йил мушоираси

Нормурод НАРЗУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон халқ шоири
ЯНГИ ЙИЛ ҚЎШИФИ

Ёгилади кўкдан ёғдулар,
Таралади кўшиқ, кулгулар.
Умид бўлиб, муҳаббат бўлиб,
Ушалади қалбда орзулар.
Хуш келибсан, элимизга,

Янги йил,
Зиё сочгин йўлимизга, Янги йил.
Зафар келтир, келтир
тинчлик, омонлик,

Кувонч келтир дилимизга,
Янги йил.

Айтинг, бундай диёр
қайда бор,
Соғинади кўрмаса баҳор!
Азизларим, Янги йилда ҳам,
Насиб этсин бизларга дийдор!
Эски йил-ла хайрлашайлик,
Олам кезиб сайрлашайлик.
Бағримизни очиб дунёга,
Янги йилда дийдорлашайлик!
Юртим дунё тургунча турсин,

Ёш кўнгиллар яйрасин,
кулсин.

Жаҳон аҳли ташна меҳрга,
Барчамизга омад ёр бўлсин.
Хуш келибсан, элимизга,
Янги йил.

Зиё сочгин йўлимизга,
Янги йил.
Зафар келтир, келтир
тинчлик, омонлик.
Кувонч келтир дилимизга,
Янги йил!

ЯНГИ ЙИЛ ҚУВОНЧИ

Мана, яна бир йил орқада қолди,
Яна бир янги йил кирди ҳаётга.
Эски йил тарихдан мангу

жой олди,
Лек бизни йўлади яшаш —
ижодга!

Бир йиллик умримиз
кечмади осон,
Бир аср мазмуни жо бўлди унда,
Кимларнинг қисмати

бўлди-ю хазон,
Кимларнинг юлдузи
порлади тунда...

Дунёда кишига ортиқ
бахт борми

Дўстлар қувончидан,
порлоқ тонгидан?
Инсон ҳаётига дилхушлик ёрми —
Дўстларсиз кечирган умр онидан?

Ҳаёт гоят ширин яқинлар билан,
Аччиқ қисматдан ҳам,
оҳ, қочиб бўлмас.

ЭЗГУ ТИЛАК

Янги йил бошланди —
кўҳна ҳаётда
Бошланди янги рух,
янги тантана.

Эски армонларни
қолдириб ортда,
Янги орзуларга боғландик яна.

Одатда ҳар янги
кун-ку мўъжиза,
Бутун бир йил эса
тилсим, жумбоқ, сир.

Янги йилдан кимдир
рўшнолик кутса,
Беҳисоб эҳсонлар
кутади кимдир.

Қош-қовоқ ораси қувонч,
қайғу ғам,
Ҳанимат дамларни сўнг
топиб бўлмас.

Инсон тақдирига нелар ёзилган —
Оллоҳдан ўзгага эмасдир аён,
Пешона, кафтига муҳр босилган,
Бош бармоқ изи ҳам
сирлича ҳамон.

Сирлидир бу олам,
сирлидир одам,
Кўз очиб юмгунча ўтади умр.
Гўзаллик ишқида юрайлик

бардам,
Ҳалоллик завқидан
топайлик ҳузур!

Янги йил базмида эзгулик тилаб
Дўстларим қалбига нур
бўлиб кирай.

Ўзбегим меҳрига
меҳримни улаб —
Холис ният билан
қадах сипқорай!

Абдуманноб **ТОЖИЕВ**

Янги йил — кўрраимиз
Куёш гирдидан
Омон кезганига таҳсин,
шондир бу.

Янги йил — ҳаёт ўз
ғуборин ювган
Покланиш онлари,
кутулғ ондир бу.

Кимдир бу лаҳзалар
ошди бир довон,
Ўсди қадим тарих
тагин бир ёшга.

Мушфиқ сайёрамиз
чарх уриб равон,
Кетиб борар бағрин
тутиб Куёшга.

Дунёга келдилар,
беғумон, бу кез
Гўдаклар — мангулик
элчиларидек.

Ухлар қор остида
майсалар тигиз,
Оламнинг умиди
билмас поён, чек.

Безавол умрининг
дилбар тимсоли —
Қара, хушқад арча
нур тарар жонга.

Бу пайт худди унга
боққан мисоли
Жаҳон кўз тикар
хур Ўзбекистонга.
Биллур коинотдан

берди акс садо
Соатларнинг занги,
қадах жаранги.

Кезар замин бўйлаб
ажиб бир сафо.
Нафақат йил янги —
туйғулар янги!

Янги йил — янги рух,
янги шижоат,
Кўҳна ҳаёт узра бир
янги нафас.

Айтилган тилакка —
шу он, шу соат
Тоабод муносиб
яшай олсак, бас!
Мирпўлат **МИРЗО**

ЯНГИ ЙИЛИНГ МУБОРАК

Мучал ўтиб ўн учга кирдинг,
Белинг боғлаб кучларга тўлдинг,
Қадам босиб доим олдинга,
Юртим обод гулистон қилдинг.
Армонларинг рўёбга чиқсин,
Янги йилинг муборак бўлсин!
Шодон кулиб чиққил йўлимга,
Бахтдан шароб тутгил қўлимга.

Кўм-кўк арча ёнида туриб,
Кўшиқ айтиб шодликка тўлай,
Армонларинг рўёбга чиқсин,
Янги йилинг муборак бўлсин!
Еринг олтин, меванг шарбатдир,
Элинг деҳқон, сувинг лаззатдир.

Дунёда сен ягона юртсан,
Халқим учун барака, қутсан,
Армонларинг рўёбга чиқсин,
Янги йилинг муборак бўлсин!
Турди **ТУРСУНЗОДА**

«SAGVAN NON»

АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

барча ҳамшаҳарларимиз
ва пойтахтимиз меҳмонларини

Янги — 2005 йил билан

қизгин муборакбод этади!



Дастурхонингиз
ҳамиша тўқин бўлиб,
хонадонингиздан
файз-барака
аримасин!

ШАРҚ ТАҚВИМИ

2005 — товуқ йилида туғилган кишиларга журъат ва довураклик хос. Улар чуқур фикрловчи ва истеъдодли шахслардир. Меҳнатсевар ва ўз ишларига жону диллари билан берилади. Курби етмаса ҳам, ҳар қандай мужбурятни бажаришга тиришади.

Мабодо муваффақиятсизликка учрашса, диллари жудаям сиёҳ бўлади.

Нимани ўйласалар шуни рўй-рост гапирдилар. Бу эса, кўпинча уларнинг ҳаддан ташқари тўғрисида, ўзини четга тортувчилар билан тўқнашувга олиб боради. Савлат тўқиб юришни яхши кўришади, ён-атрофдагиларнинг эътибори бериши учун дид билан кийинадилар. Одатда, ўзларини мутлақо ҳақман деб ўйлашади, айни пайтда қилаётган ишларининг моҳиятини яхши билишади. Ўзларига бино қўйишларининг сабаби ҳам шунда, ҳақиқатан ҳам кўпинча ҳақ бўлиб чиқишади. Ақл-заковатлари теварак-атрофдаги одамларда уларга нисбатан қизиқиш уйғотади. Бироқ уларнинг кўпчилиги мақтанчоқлиги билан даров ихлосни қайтаради. Қўлдан келадиган ишдан кўра, кўпроқ гапирдилар. Аксарият ҳолларда, ишқий дилкашликларга нисбатан, кўпроқ ёқимли қиёфалари билан кўзга ташланишади.

Баъзан дангасалликка мойиллик билдиришади. Лекин аслида уларнинг фаол бўлишлари учун ҳам асос бор. Пул уларга ўз-ўзидан келавермайди. Ўз-ўзини таъминлаш учун ишлаши лозим. Агар улар қатъият кўрсатиб, ўз дангасалиklarини енга олсалар, мол-дунё билан таъминланишади. Мабодо дангасалигу орзу-хаёлларга берилишни ўзларига эп кўрсалар, бу уларнинг қийналишларига, обрў-эътиборларини йўқотишларига, бошлаган ҳамма ишлари пучга чиқишига олиб келади. Ишқ-муҳаббат бобида ҳаётлари анча машаққатли кечади, севган кишиларини қўлга олмоқ ва қўлдан чиқармаслик учун кўпдан-кўп куч-ғайрат сарфлашади. Улар камбағалликдан бойликкача, юксак муҳаббатдан тубанликкача бўлган йўлни босиб ўтишади. Кексайганларида бахтли яшашади.

Барчангизга товуқ йилида бекаму кўст соғлик, бахт ва омадлар тилаймиз. Янги йил ҳаммамизга бахт келтирсин.

Пишириклар

ЯНГИ ЙИЛ ДАСТУРХОНИГА

Янги йил базмида барча оила аъзолари бир дастурхон атрофида жам бўлишади.

Шунинг учун ҳам аёлларимиз бу кунда ўзларининг пазандачилик бобида бор маҳоратларини ишга солиб, турли-туман мазали таомлар, хилма-хил пишириклар тайёрлаган ҳолда ўз яқинларини хурсанд қилишга ҳаракат қиладилар. Янги йил дастурхонини безатишда сизга ёрдам бериш мақсадида мохир пазандалар томонидан тақдим этилган пишириклар рецептини ҳукмингизга ҳавола қиламиз.

БАНАНЛИ ТОРТ

Бисквит учун зарур масалликлар:

4 та тухум, 180 гр шакар, 180 гр ун, 2 ош қошиқ какао, 1 чой қошиқ ичимлик содаси ва озгина ванилин.

Крем учун 6 гр. желатин, 500 мл қаймоқ, 4-5 банан, 200 гр творог, 150 гр шакар ва 50 гр. шоколад қириндиси.

Тайёрлаш усули: оз-оздан шакар ва ванилин қўшилган ҳолда тухум сариғи 4 ош қошиқ иссиқ сув билан кремсимон қоришма ҳосил бўлгунча кўпиртирилади. Тухум оқи алоҳида-алоҳида кўпиртирилиб, сўнг сариғига эҳтиётлик билан қўшилади. Бу аралашмага ун, какао кукун, сода қўшилиб хамир қорилади. Торт қолипига қоғоз ёзилиб, 25-30 дақиқа давомида пиширилади.

Крем тайёрлаш учун желатин сувда бўктирилади. 1 та банан эзилиб творог, шакар, шоколад қаймоқ билан аралаштирилади.

Желатин сувдан силқитилиб иссиқ сув бугида эритилади ва крем қоришмасига қўйилади. Қолган бананлар паррак қилиб кесилади ва бисквит устига бир текисда қўйиб чиқилади ва унинг устидан тайёрланган кремни суртамангиз. Тайёр торт 4 соатга музлаткичга қўйилади. Торт юзасини ўз таъбингизга кўра безатишингиз мумкин.

ЁНФОҚЛИ, МАЗАЛИ КЕКС

Керакли масалликлар:

2 та тухум, 1 стакан шакар, 1 стакан кефир, 1 чой қошиқ сода, 1 та маргарин, 2 стакан ун, озгина ванилин, 1 стакан ёнғоқ.

Тайёрлаш усули:

Идишга тухум, шакар, қатиқ ва содани солиб яхшилаб арадаштирамиз. Сўнг аралашмага эритилган маргарин, ванилин ун ва ёнғоқ қўшиб аралаштирамиз. Махсус кекс қолипни ёллаб 3 қошиқдан соламангиз ва пиширамиз.



ТОШКЕНТ ШАҲАР МУНИЦИПАЛ БИРЖА МАРКАЗИ

Ўзбекистон Республикаси халқини, Тошкент шаҳри аҳолиси ва тадбиркорларни Сihat-саломатлик йили бўлиши **ЯНГИ - 2005 ЙИЛ** билан самимий қутлайди.

Янги йил мамлакатимизга, унинг аҳолисига тўкин-сочинлик, қут-барака ва тинчлик олиб келишини тилайди.

Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази юртимиз тадбиркорларини, аҳолисини ўз сармояларини янада оширишларини ва шахсий бизнесларини ривожлантиришларини тилайди.

Янги йилда, биржа савдолари орқали кўчмас ва бошқа мүлкларни сотиб олишларини тақдир этади.

Тошкент шаҳар муниципал биржа марказининг биржа савдолари орқали расмийлаштирилмаган битимларнинг тезкорлиги, ишонглилиги ва конфиденциаллиги сақланишини кафолатлайди.

Манзилимиз:

Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16 А-уй.
Тел: 133-46-61, 132-25-51. Факс: 133-20-74.
www.tshmbm.uz; E-mail: Birja@mail.tps.uz ва info@tshmbm.uz



ЎЗБИМЛИ ҲОФИЗЛАРИМИЗГА ЯНГИ ЙИЛ ҲАЗИЛИ

Ортиқ ОТАЖОНОВГА

Умр ўтар, вақт ўтар,
 Дилрабо соз жаранги.
 Қўшиқсевар эл кутар —
 Наволар янги-янги.

Хайрулла ЛУТФУЛЛАЕВГА

Сархуш бўлиб чертгил созингни,
 Турфа тилда айт қўшиқ, ялла.
 Юзлаб ҳофиздан овозингни —
 Таниб деймиз
 «Бизнинг Хайрулла!»

Бобомурод ҲАМДАМОВГА

Тожиқ, туркман, ҳиндистон, ўзбек,
 Ҳар лисонда созинг хуш бирдек.
 Тошқин дарё бўлиб тошавер,
 Жамна, Жайхун,
 Вахш, жўшқин Сирдек.

Аҳмадҷон ШУКУРОВГА

Санъат майдонида алпмисол —
 От сурардинг, тулпоринг — Фирот.
 Букун нечун хомушсан хиёл,
 Еки тутқич бермасми ижод?

Ғулумҷон ЁҚУБОВ ВА Абдуҳошим ИСМОИЛОВГА

Юракларга солиб ҳаяжон,
 Мухлисларни мудом этиб ром,
 Бўшаширманг сизни икковлон —
 Абдуҳошим, хонанда Ғулум.

Қамолиддин РАҲИМОВГА

Ҳаёт мадҳин сен куйлаганда,
 Бир ажиб ҳис бор эди менда
 Тиним билмас ошуфта ҳофиз,
 Яна серавж куйла чаманда.

Ҳазилларни оққа кўчирувчи Забиҳилло НУРУЛЛО!

БОЛАЖОНЛАРГА ЯНГИ ЙИЛ СОВҒАЛАРИ

Юртимиз узра янги йил таровати, шуқуҳи кезмокда. Барчанинг юзида табассум. Айниқса болажонларнинг қувончини айтмайсизми? Қорбобо эса Қорқиз билан, қопларини совғага тўлдириб шу жажжиларнинг кўнглини олиш, ўз совғалари билан уларга шодлик улаши билан овора.

Бу борада Мирзо Улуғбек ҳоқимлиги, хотин-қизлар қўмитаси, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими ҳам енг шимариб ишга қизғин киришиб кетдилар.

«Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими раиси Шўҳрат Қўчқоров ташаббуси билан болажонларнинг қишки таътиллари яхши ўтиши, уларнинг мароқли дам олишлари учун «Таътилда ўйнаб кул» режаси тузиб олинди. Унга асосан, таътил пайтида тумандаги маданият саройларида турли хил тадбирлар, театрлаштирилган эртақлар, викториналар ўтказилди. Ғолибларга ва иштирокчиларга совғалар тарқатилди.

— Биз, — дейди «Қамолот» ЁИҲ туман бўлими раиси Шўҳрат Қўчқоров — болажонларнинг қишки таътилининг мароқли, сермазун ва завқли ўтишини таъминлаш мақсадида шу ишга кўл урдиқ. Янги йилни болажон соғиниб қўтишади, истардимки қалби беғубор болажонларнинг ҳаётлари фақат шодлиғу-қувончларга тўлиқ бўлсин. Болажоннинг шундай гўзал лаҳзалари уларнинг онгида биллурдек жилолани турсин.

Тумандаги кам таъминланган оила фарзандларига, ногирон болажонга ҳам Янги йил совғалари айнан шу «Қамолот» ЁИҲ томонидан тарқатилди. Совғалар олиш кимга ёқмайди дейсиз, яна янги йилда-я....

Саховатпеша, жонқуяр қамолотчилардан барча миннатдор.

Ширманой АСРАНОВА,
 маънавият ва маърифат услубчиси



Янги йил ҳазиллари
 Абдураҳул Ҳақимов чизган расмлар.



«ТОШКЕНТ ПОЧТАМТИ»

ғ а ж а с ы

*ҳамшаҳарларимизни
файз-тароват ила юртимизга кириб келган*

Янги - 2005 йил билан

*энг яхши тилакларни
билдирган ҳолда кутлайди.*



*Сухат-саломатлик йилида бардамлик ва
хуш кайфият, бахту иқбол барчамизга
ҳамиша ҳамроҳ бўлсин.*

ПОЧТАМТ

POCHTA TELEFON TELEGRAF

POST TELEPHONE TELEGR

Sarkor Telecom



Байрамингиз муборак бўлсин, азизлар!

Азиз ҳамшаҳарлар!

«ИФФАТЛИ КЕЛИН»

ХУСУСИЙ КОРХОНАСИ

сизларни



Янги ~ 2005 йил билан

чин дилдан самимий муборакбод этади.

*Сухат-саломатлик йилиннг қадами кўндр келсин. Янги йил ҳаммамизнинг
хонадонимизга тинчлик, хайржаҳонлик, кўнглик ҳалқа бахт ва омад келтирсин.*

Муҳаббатим сизни, узоқ қар барчамизга ёр бўлсин!

*Ўнрамаим она-синимлар, сизларни корхонамиздан
18 хил нардан ёндр кўндрларинга хураф эгалламга
такиф эталим.*



2005 йил

Сихану-саломатлик йили

Январь

Д	3	10	17	24	31
С	4	11	18	25	
Ч	5	12	19	26	
П	6	13	20	27	
Ж	7	14	21	28	
Ш	1	8	15	22	29
Я	2	9	16	23	30

Февраль

Д	7	14	21	28
С	1	8	15	22
Ч	2	9	16	23
П	3	10	17	24
Ж	4	11	18	25
Ш	5	12	19	26
Я	6	13	20	27

Март

Д	7	14	21	28	
С	1	8	15	22	29
Ч	2	9	16	23	30
П	3	10	17	24	31
Ж	4	11	18	25	
Ш	5	12	19	26	
Я	6	13	20	27	

Апрель

Д	4	11	18	25	
С	5	12	19	26	
Ч	6	13	20	27	
П	7	14	21	28	
Ж	1	8	15	22	29
Ш	2	9	16	23	30
Я	3	10	17	24	

Май

Д	2	9	16	23	30
С	3	10	17	24	31
Ч	4	11	18	25	
П	5	12	19	26	
Ж	6	13	20	27	
Ш	7	14	21	28	
Я	1	8	15	22	29

Июнь

Д	6	13	20	27	
С	7	14	21	28	
Ч	1	8	15	22	29
П	2	9	16	23	30
Ж	3	10	17	24	
Ш	4	11	18	25	
Я	5	12	19	26	

Июль

Д	4	11	18	25	
С	5	12	19	26	
Ч	6	13	20	27	
П	7	14	21	28	
Ж	1	8	15	22	29
Ш	2	9	16	23	30
Я	3	10	17	24	31

Август

Д	1	8	15	22	29
С	2	9	16	23	30
Ч	3	10	17	24	31
П	4	11	18	25	
Ж	5	12	19	26	
Ш	6	13	20	27	
Я	7	14	21	28	

Сентябрь

Д	5	12	19	26	
С	6	13	20	27	
Ч	7	14	21	28	
П	1	8	15	22	29
Ж	2	9	16	23	30
Ш	3	10	17	24	
Я	4	11	18	25	

Октябрь

Д	3	10	17	24	31
С	4	11	18	25	
Ч	5	12	19	26	
П	6	13	20	27	
Ж	7	14	21	28	
Ш	1	8	15	22	29
Я	2	9	16	23	30

Ноябрь

Д	7	14	21	28	
С	1	8	15	22	29
Ч	2	9	16	23	30
П	3	10	17	24	
Ж	4	11	18	25	
Ш	5	12	19	26	
Я	6	13	20	27	

Декабрь

Д	5	12	19	26	
С	6	13	20	27	
Ч	7	14	21	28	
П	1	8	15	22	29
Ж	2	9	16	23	30
Ш	3	10	17	24	31
Я	4	11	18	25	



Байрам кунлари

- 1 январь — Янги йил
- 8 март — Хотин-қизлар куни
- 21 март — Наврӯз байрами
- 9 май — Хотира ва Кадрлаш куни
- 1 сентябрь — Мустақиллик байрами

- 1 октябрь — Ҳаётчилар ва мураббийлар куни
- 8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни
- Рўза ҳайитнинг биринчи куни
- Қурбон ҳайитнинг биринчи куни



Муассис:
Тошкент шаҳар
ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

ҳатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 133-11-39,
факс: (3712) 133-21-56

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида
босилади.
4973 нусxada босилди. Қоғоз бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 1-рақам
билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Навр кўрсаткичи — 563

Нашригга етказиб бериш масалалари буйича гузар жойлардаги
почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаамтига» — 133-74-05
телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер
марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарк» нашриёт-матбуот акциядорлик компанияси босмаҳонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.